

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси матбуот хизмати тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Матбуот хизмати (кейинги ўринларда Хизмат деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, қўмитанинг норматив ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

3. Хизмат ўз фаолиятини қўмитанинг худудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Хизматнинг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қўмита раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;

қўмита фаолияти соҳасидаги норматив-хукуқий ҳужжатларнинг миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида қўмита фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

қўмита расмий веб-сайтида қўмита фаолиятига дахлдор ахборот ва янгиликларни мақола, хабар ва таҳлилий материаллар шаклида ёритиб бориш, веб-сайтдаги ахборот ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

қўмитага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида қўмита раҳбариятини хабардор қилиш.

III. Хизматнинг функциялари

5. Қуйидагилар Хизматнинг асосий функциялари ҳисобланади:

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни қўмитанинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш;

оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, шарҳлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

қўмита фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, телевизиони радиоэшифтиришларни ташкил этиш, тегишли соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

қўмита раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференциялари, брифинглари, интервьюлари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш;

қўмита фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш. Кўмита раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун қўмита фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

қўмита фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

интернет тармоғида қўмитанинг веб-сайтидаги ахборотларни ташкил этиш ва уни замонавий даражада ёритиш.

6. Хизмат ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг қўмита фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.

IV. Хизматнинг ҳуқуқлари

7. Хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

Хизматнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни қўмита марказий аппаратининг бошқа бўлинмаларидан, шунингдек, қўмита таркибидаги корхона ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

қўмита йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун қўмита раиси билан келишган ҳолда қўмитанинг бошқа бўлинмалари ходимларини, шунингдек, қўмита таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари ва эксперtlарини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш;

бошқа вазирлик ва идораларнинг матбуот (ахборот) хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Хизмат ваколатига таалуқли масалалар бўйича қўмита номидан вакиллик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

қўмитанинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Хизмат фаолияти масалалари бўйича норматив хужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

V. Хизмат фаолиятини ташкил этиш

8. Хизмат ходимлари сони у амалга оширадиган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳажмига кўра қўмита раиси томонидан, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида белгиланади.

9. Хизмат фаолияти қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган ишлар режаси асосида ташкил этилади.

10. Хизматни қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раҳбар бошқаради. Хизмат раҳбари айни бир вақтда қўмита раисининг матбуот котиби ҳисобланади.

Хизмат раҳбари (матбуот котиби):

Хизмат фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Хизматга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Хизмат фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қиласи, қўмитанинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Хизматга қўмита раиси буйруғи билан қўшимча ходимлар жалб этилганда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди; уларнинг малакасини ва касб бўйича савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

11. Хизмат ходимлари Хизмат раҳбари (матбуот котиби)нинг тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

12. Хизмат фаолиятининг ахборот, ҳукуқий, моддий-техник ва транспорт таъминоти, шунингдек унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат қўрсатиш қўмитанинг таркибий бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.